



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент тиббиёт академияси

ректори, профессор

Л.Н.Туйчиев

«6» сентябрь 2019 йил

**Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг  
\_\_1\_\_сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«5» сентябрь 2019 йил

**Раислик қилувчи:** Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор

**Қатнашдилар:** Тошкент тиббиёт академиясининг  
Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2019-2020 ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва академия жамоаси олдида турган асосий вазифалар ва истиқбол режалари

**Маърузачи** – ректор Л.Н.Туйчиев

2. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.

**Маърузачи** – Комиссия раиси

3. Диссертация, монография ва ўқув-услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш

**Маърузачи** – ОТМ кенгаш котиби

4. Турли масалалар.

Ректор Л.Н.Туйчиев Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” ордени билан –  
”2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси мудири профессор  
Д.К.Нажмутдиновани, Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат шухрати” ордени  
билан – профессор Г.С.Бабаджановни, фан доктори илмий даражаси дипломини  
олганлиги билан МИТЛ катта илмий ходими С.А.Сайфуллаевани, тиббиёт  
бўйича фалсафа доктори илмий даражаси дипломини олганлиги билан 2-сон ички  
касалликлар кафедраси ассистенти Н.П.Адхамовани, Онкология кафедраси  
ассистентлари А.Ж.Каххаровни, Д.Б.Юсуповани, Д.М.Алмурадовани,  
Н.И.Турсуновани, травматология-ортопедия, харбий дала жаррохлиги ва  
нейрохирургия кафедраси ассистенти И.Р. Алимовни диплом олганлиги  
муносабати билан табрикладилар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

Кун тартибининг биринчи саволи бўйича, ректор Л.Н. Туйчиев “2019-2020  
ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва академия жамоаси олдида турган асосий  
вазифалар ва истикбол режалари” мавзуси бўйича маъруза қилди (маъруза  
матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи қоникарли деб қабул қилинсин.

1.1. 2019-2020 ўқув йилида ТТАнинг ўқув, ўқув-услугий ишлари  
такомиллаштирилган ўқув жараёни ва талабалар билимини назорат қилиш ва  
баҳолаш тизими тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилиши  
таъминлансин.

**Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, ўқув  
бўлими, деканлар, кафедра мударлари**

**Муддат – доимий**

1.2. ТТАда ташкил қилинган “Тиббиёт келажаги” ва қўшма таълим  
дастурларини амалга ошириш бўйича ишлар режаси ишлаб чиқилиши ва  
бажарилиш мониторинги олиб борилиши таъминлансин.

**Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, ўқув бўлими, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

1.3. Кенгайтирилган ва такомиллаштирилган ТТА Ахборот - ресурс маркази имкониятларидан профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан унумли фойдаланиши йўлга қўйилсин ҳамда адабиётларни электрон шаклини кўпайтириш, китоблар фондидини бойитиш бўйича фаол ишлар олиб борилсин.

**Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, АРМ рахбари Г.В.Кузьмина, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

1.4. Кенгайтирилган ва такомиллаштирилган Ахборот коммуникация технологияларни, яъни ТТА расмий веб сайти ва ҳар бир кафедранинг веб сайтларида, ТТЖда ТТАнинг ягона локал тармоғида, мавжуд компьютер хоналарида ва инфокиоскларда кун янгиликлари, дунё ва академия янгиликлари билан бойитиб борилиши таъминлансин.

**Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймурадов, илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, ёшлар ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, АКТ маркази бошлиғи М.И.Базарбаев, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

1.5. ОТМлар аро- ва халқаро рейтинг кўрсаткичларида ТТАнинг рейтингини ошириш мақсадида: нуфузли хорижий ОТМ ларда ўқув машғулот ва маърузалар ўқилиши; ўқув жараёнига жалб қилинаётган хорижий мутахассисларни улушини кўпайтирилиши; ТТА профессор-ўқитувчиларини хорижда стажировка ва малака ошириш кўрсаткичларини янада оширилиши; халқаро илмий базалардаги журналларда, шу жумладан Scopus платформасида, илмий мақолалар чоп этилиши кўрсаткичларини оширилиши бўйича ишлар янада такомиллаштирилсин.

**Масъул – Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуратов, илмий ва инновацион ишлар бўйича проректори Ф.Л.Азизова, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та мухим ташаббусни кенг жорий этиш мақсадида ҳар бир ташаббус йўналишларини камраб олувчи комплекс чора тадбирлар дастури бўйича ишлар фаоллигини ошириш таъминлансин.

**Масъул – Ёшлар ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, Маънавият, маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи М.А. Хасанова, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат – доимий**

2.Кун тартибининг иккинчи саволи профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш бўйича илмий котиб Г.А.Исмаилова номзодлар аризаси тушмаганлиги тўғрисида маълумот берди.

3. Кун тартибининг учинчи саволи -диссертация, монография ва ўқув-услугий ишлар мавзуларини тасдиқлаш бўйича илмий котиб Г.А.Исмаилова тасдиқлаш учун ишлар тушмаганлиги тўғрисида маълумот берди.

4.Турли масалалар

4.1.Тошкент тиббиёт академиясининг маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар режаси ҳамда Маънавият ва маърифат кенгашининг таркиби ва режаси тасдиқлансин.

4.2.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди (1-илова).

4.3.Америка қўшма штатлари NOVA Northern Virginia CommunityCollege ҳамда George Mason University профессори Закирова Рохила Махмудовна Америка Қўшма штатлари таълим тизимидаги инновацион педагогик ва ўқув

технологияларни ҳамда модуль – кредит таълим тизимини Тошкент тиббиёт академиясига 2019-2020 ўқув йилида татбиқ этиш мақсадида фуқаролик шартномаси асосида профессор – маслахатчи этиб ишга қабул қилишга тавсия этилсин (2-илова).

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Кенгаш ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси

кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича  
проректори



Ш.А.Боймурадов

Илмий ишлари бўйича  
проректори


Ф.Л.Азизова

ТТА Ёшлар ва иқтидорли талабалар  
билан ишлаш бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

Ички назорат ва мониторинг  
бўлими бошлиғи



Ў.М. Миршарапов